

КИТОБХОН ОНА – БОЛАЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИСИ

Саидова Зилола Озодовна

Урганч тумани ахборот-кутубхона маркази

*Ахборот коммуникация технологиялари ва рақамлаштириш хизмати
мутахассиси*

Инсон камолотида, унинг тарбиясида китобдан ортиқроқ дўст, беминнат устоз, яқин кўмакчи бўлмаса керак. Фарзанд тарбияси унинг илми, маънавий ўсиши, салоҳияти, жамиятда ўз ўрнини топишда китоб мутолааси энг муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг боис биз катталар фарзандларимиз келажакда ҳар томонлама тўқис, етук шахс бўлиб етишиши учун тарбияга, маънавиятга, китобга бўлган меҳрни оиладан бошламоғимиз зарур. Боболаримиз “Қуш уясида кўрганини қилади” дея бежиз айтишмаган. “Катта арава қаердан юрса, кичик арава ҳам шу ердан юради”, “От изини той босар”. Агар боболардан бизгача етиб келган мана шу ҳикматлар, насиҳатлар мағзини чақадиган бўлсак, эртанги кунда юрт таянчи бўладиган фарзандларимиз оилада ўзимиздан кўриб, ўзимиздан ибрат олиб улғайишини назардан қочирмаслигимиз зарур. Бизнинг оиладаги юриш туришимиз, одоб-ахлоқимиз, катталарга ҳурмат, кичикка иззат кўрсатиб, ўз навбатида болаларимизнинг бўш вақтини тўғри тақсимлаб, уларга эртақлар, ҳикоялар ўқиб бериш асносида тарбияламоғимиз ўринли. Чунки оила, биринчи навбатда, тарбия, таълим ўчоғидир. Ота-она ўз оиласининг мустаҳкам, пойдевори пишиқ бўлишини истаса, доим ўрнат, намуна бўлишни унутмаслиги керак. Оилада фарзандларнинг ўқиб ўрганишларида, оналар оталардан кўра ҳам кўпроқ

масъул бўладилар. Фарзанд туғилар экан, унинг мурғак қалбига она алласи орқали меҳр-муҳаббат туйғулари жо этилади., у улғайгани сари бу туйғу ҳам камолот касб этиб, ўз элига, она Ватанига муҳаббатли бўлиб улғайиши ҳеч гап эмас.

Фарзандларимизнинг ҳақиқий ватанпарвар, юрт келажакига жамиятнинг равнақида ҳисса қўшадиган бўлиб етишишида бош бўғин оила ҳисобланади. Шунинг учун ҳам юртимизда оила – мактаб – маҳалла – кутубхона ҳамкорлигига катта эътибор қаратилган. Қайси бир оилада китоб мутолаасига ҳурмат-эътибор бўлса, шу оилада тарбия топган фарзандлар илмга, китобга меҳр билан улғаядилар. Миллатимиз оналари ўқимишли, зиёли бўлса, китобни севса, улар тарбия берган ҳар битта авлод ўзингиз истагандек комил инсон бўлиб ўсади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 21-декабрдаги “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-

401-сонли қарорнинг 3-илова 36-бандида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш мақсадида ҳар ойнинг 17 санасида “Китобхон Оналар” куни муносабати билан “Энг яхши китобхон оила”, “Зукко китобхон”, “Ёш китобхон оила”, “Маърифатли бувижон” кўрик танловлари ташкил этилмоқда. Ҳар ойнинг 17-санаси “Китобхон оналар куни” деб белгиланиши айтиш мумкин.

Шу куни республикамизнинг барча кутубхоналарида маънавиятни, маърифатни тарғиб қилувчи китобхонлик тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирларда китобхон оналар сафи кенгайиб бормоқда, илмли, зиёли, тадбиркор, муваффақиятга эришган барча оналар қаторида шоираю фозила, ижодкор оналаримиз ўз тенгдошларига китоб ўқиш ва унинг муҳимлиги ҳақида маслаҳат ва тавсиялар бериб бормоқда. Шу каби тадбирлар катта мақсадлар сари қадам ташлаётган оилаларга ўз олдига қўйган мақсадлари сари тинимсиз ҳаракат қилиш, изланиш, керак бўлса ўқиб ўрганиш имконини беради. Муваффақият калити китоб эканлигини, билим инсон комолотининг битмас туганмас бойлиги, хазинаси эканлиги мана шундай тадбирларда яққол кўринмоқда. Юртимизда хотин-қизлар масаласига устувор вазифа сифатида ёндашиб келинмоқда. Жамиятимизда бугун хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишда ва оилада бахтли ва фаровон яшашларини таъминлаш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан оқилона фойдаланишлари учун кенг имкониятлари яратилмоқда. Шундан ҳам кўриниб турибдики, давлатимиз томонидан аёлларга берилаётган эътибор десак адашмаймиз. Ўзбекистон Республикамиз бўйлаб маънавий тарбиявий ишларни мутлақо янги усулда олиб боориш, яъни “Янги Ўзбекистонда бутун халқимиз қатори хотин-қизларимиз учун ҳам муносиб шароитларни яратиш энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади” – деган сўзлари юртимизда хотин-қизларга яратилаётган кенг имкониятлар, жамиятимизда барча соҳаларда аёллар мавқеини юқори даражада эканлигининг далилидир. Дарҳақиқат, оилада, жамиятда хотин-қизлар фаоллигини оширишга қаратилаётган ислохотлар ва устуворлар вазифалар барчамизнинг олдимизга қўйилган олий мақсадимиз бўлмоғи керак. Шу ўринда хотин-қизларни китобхонликка жалб этиш ва улар ўртасида китоб ўқиш маданиятини юксалтириш каби вазифалар нафақат оналаримиз, шу билан бирга, фарзандларимизнинг ҳам китобга бўлган меҳрини шакллантиришга эришмоғимиз лозим. Айтиш керакки, китобхон оналаримиз қанчалик кўп бўлса жамиятимиз эртасини қурувчи фарзандларимиз шунча кўп ва билимга бой бўлади. Охириги йилларда китобхон оналар сафи кенгайиб бормоқда. Биргина мисол, Хоразм вилояти, Урганч тумани ахборот-кутубхона маркази фаолиятида буни яққол кўриш мумкин. Мен марказнинг Ахборот коммуникация технологиялари ва рақамлаштириш хизмати

мутахассиси Саидова Зилола, мен иш фаолиятимда, опа-сингилларимизни китобхон эканлигини, ҳамда уларни сафи кундан кунга кенгайиб бораётганини бизни янада қувонтиради. Айниқса, бизда жами китобхонларимиз 16 мингга яқин бўлиб, ундан 30% ни китобхон оналар ташкил этади. Шунингдек, 123 мигдан ортиқ китоб фондига эгамиз. Биз ходимлар “Китобхон она” лойиҳаси доирасида ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, нафақадаги аёлларимизга доимий равишда кутубхона хизматини кўрсатиб келмоқдамиз. Бизнинг китобхон оналаримиз ўзлари ўқиган китобларини бошқа китобхонлар ўртасида кенг тарғиб қилиб, барчага намуна бўлиб келмоқда. Мана шундай китобхон оналаримиз бор экан, юртимиз келажаги илмли, салоҳиятли ёшлар тимсолида ривожланган давлатлар қаторида гуллаб яшнашига ҳисса қўшади. Шунингдек, нафақат китобхон оналар, шулар қаторида китобхон оилалар ҳам эртанги кунимиз, Янги Ўзбекистон тараққиётига ўз билим ва салоҳияти орқали ҳисса қўшиш учун оилда китобхонликни тарғиб қилишда ёш оилаларга ўрнак бўлмоқда. Фарзанд тарбияси билан машғул бўлган кўпгина китобхон оналар ўз кўрғонида китоб билан ошно бўлиш, китобга меҳр уйғотиш, китобхонлик мавқеини уйи-оиласида шакллантиришда асосий рол ўйнайди. Маълумки, миллатимиз оналари фарзандларимиз келажаги учун доим китобнинг дўст, маслакдош, йўлларни ёритувчи чироқ, маънавий бойлик эканини тарғиб қилишдан, ўзимиз эса намуна бўлишдан, чарчамайлик. “Китобсевар миллат” деган номни янада мустаҳкамлаш ва юксалтиришда доимо китоб ва китобхонликни тарғиб қилишни ўзимизга олий мақсад, деб билайлик, ҳамда “Китобхон оналар” сафини енада кенгайтирайлик.